BIZNES DAILY

Экономическая газета

Биржа

Иқтисодий газетаси

#25(2908)
05.04.2022

www.biznes-daily.uz

Ташаббусли бюджетлаштириш: миллий ва халқаро тажриба

Мамлакатимизда кейинги йилларда фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш воситаси сифатида маҳаллий бюджет маблағларининг бир қисмини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш амалиёти — ташаббусли бюджетлаштириш кенг тус олмоқда.

Молия вазирлиги томонидан бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, жойлардаги муаммоларни ҳал қилишда ундан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти, ҳудудларда айни шу йўналишда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар ҳолатини таҳлил қилиш, мазкур соҳада энг яхши халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Молия вазирлиги давлат бюджети департаменти директори Шерзод Муҳамедов ҳозиргача бажарилган вазифалар ҳақида тақдимот намойиш этди. Унинг алоҳида таъкидлашича, фуқаролар ташаббуси асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман (шаҳар) бюджетлари даражасида (тасдиқланган харажатларнинг 5 фоизи ва қўшимча манбаларнинг камида 30 фоизи миқдорида) махсус ғазна ҳисобварақлари "Фуқаролик ташаббуси жамғармаси" очилган.

Ташаббусли бюджет асосида амалга ошириладиган тадбирлар бир нечта мезон асосида танлаб олинади. Яъни, лойиҳалар туман (шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиши, аҳолидан тушаётган мурожаатлардаги ҳамда жамоавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим. Буларга хиёбонлар, болалар майдончасини қуриш, ички йўлларни ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, экологияни яхшилаш, аҳолини ичимлик ва оқова суви билан таъминлаш, кўча чироқларини ўрнатиш (таъмирлаш) кабилар киради. Жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар идоравий ёки шахсий хусусиятга эга бўлмаслиги (шахсий автомашина ёки тураржой харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маъмурий биноларни таъмирлаш), берилган таклифларни амалга оширишнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 минг баробаридан ошмаслиги керак. Вазирлик мутасаддисининг эътирофига кўра, таклифларнинг кўп қисми ички йўллардаги муаммолар билан боғлиқ эканлиги ҳисобга олиниб, "Очиқ бюджет" ахборот порталида "Менинг йўлим" лойиҳасини ишга тушириш кўзда тутилган. Унда ички йўлларнинг жойлашган манзили (геопозицияси), тўлиқ номлари, узунлиги, ҳолати (асфальтлангани ёки таъмирталаб эканлиги) ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган реестр шакллантирилади. Ушбу реестрдаги геомаълумотлар асосида фуқаролар томонидан тегишли ички йўлни танлаш орқали таклиф қолдириш шароити яратилади. Бундан ташқари, ички йўллар ҳақида хабар бериш имкониятини берувчи "Очиқ бюджет" ахборот порталининг мобиль иловасини йўлга қўйиш ҳам мўлжалланган. Энг муҳими, туман (шаҳар) бюджети параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлашга ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи "Менинг йўлим" лойиҳаси орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўллар ҳолатини яхшилаш учун йўналтирилади. Масалан, ушбу тартиб доирасида Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилда жами 24,8 км. узунликдаги ички йўллар таъмирланиши ва 10 млрд. сўмдан ортиқ маблағ фуқаролар ташаббуси бўйича берилиши кутилмоқда.

Анжуманда Россия Федерацияси Молия вазирлиги Илмий-тадқиқот молия институтининг бир гуруҳ вакиллари ҳам иштирок этиб, хорижий тажриба ва ўз ватанларидаги амалиёт ҳақида маълумотлар тақдим қилишди. Ушбу институтнинг Ташаббусли бюджетлаштириш маркази раҳбари Владимир Вагин тақдимотида келтирилишича, Польша миллий даражада бюджет жараёнида фуқаролар иштироки жараёнларини мустаҳкамлаб қўйган Европадаги биринчи мамлакат ҳисобланади. Ташаббусли бюджет қишлоқ фондлари ҳамда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан муниципал бюджет харажатларининг бир қисмини тақсимлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини тартибга солувчи маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга оид қонунлар билан тартибга солинади. Ҳиндистонда фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиш имконияти миллий конституция нормаларига киритилган. Жанубий Кореяда барча муниципалитетларга фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш мажбуриятини юклаш ва маҳаллий молия тўғрисидаги қонунга тузатишлар киритиш орқали 2011 йилда ташаббусли бюджет жараёни қонун йўли билан расмий тус олган.

Россия Федерациясида фуқаролар ташаббуси билан кўтарилган лойиҳаларни биргаликда молиялаштиришнинг кенг қўлланиладиган бир нечта воситаси мавжуд. Фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига молиялаштириш, "Қулай шаҳар муҳитини шакллантириш" федерал лойиҳаси, "Қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантириш" давлат дастури доирасидаги лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш шулар жумласидандир. Ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳаларини фуқаролар ва юридик шахслар томонидан биргаликда молиялаштириш кўлами ошиб бормоқда. Чунончи, 2015-2020 йилларда жалб қилинган маблағлар ҳажми 5 баробар ортган. 2020 йилда биргаликда молиялаштириш миқдори 2014,02 млн. рублни ташкил этган (лойиҳалар умумий қийматининг 6,33 фоизи), шундан 3,41 фоизи фуқаролар, 2,92 фоизи юридик шахслар маблағларига тўғри келган. Маърузачи ўз сўзида муаммоларни ҳал қилишнинг тезроқ усули бўлган ташаббусли бюджетлаширишнинг тартиб-таомили, унинг оммавий (очиқ) хусусияти, ташаббусларни илгари суриш, уларни муҳокама қилиш, лойиҳаларни танлов орқали саралаб олиш, фуқароларнинг

Давоми 2-бетда.

Тадбиркорга кўмакчи бўлиб

Кичик саноат зоналари – кичик бизнесни ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали йўлларидан бири бўлиб, бу тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришга мўлжалланган, муҳандислик-коммуникация ва инфратузилма объектларини, маълум ер майдони ёки ишлаб чиқариш майдонини ўз ичига олувчи ҳудуд. Кичик саноат зоналари улар жойлашган ҳудудларни ривожлантиришга катта имкониятлар яратади.

Кичик саноат зоналарида рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи, яъни, замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўювчи тадбиркорларни жалб қилиш жуда муҳим.

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри ва Оҳангарон туманларидаги кичик саноат зоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини амалга оширилишини жадаллаштириш ишлари юзасидан кўмаклашиш, маҳсулотлар экспорти ва инвестицияларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш ҳамда бозорларда нарх-навони барқарорлигини таъминлаш бўйича Марказий банк Тошкент вилояти бош бошқармаси бошлиғи А.Низамов, вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Н.Ражабов, Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи У.Акбаровлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўрганишди.

Тадбирда кичик саноат зоналарида Инвесторларга бериладиган солиқ, кредит ва имтиёзлар, замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Тадбиркорлик субъектлари вакилларининг талаб ва таклифлари тингланди, аниқланган муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Тегишли ташкилотлар вакиллари ўз йўналишлари бўйича муаммоларни қисқа муддатда ҳал этилишини билдиришди.

Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ахборот хизмати.

Курс валют на 05.04.2022

USD	11408.50
EUR	12560.76
RUB	136.88
CNY	1792.92

#25(2908)
05.04.2022
BIZNES DAILY Биржа

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш қандай амалга оширилади?

Манбаларга кўра, чет эл тажрибасида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, унинг тартиби, рўйхатдан ўтказувчилар мақоми ҳамда соҳанинг бошқа жиҳатлари алоҳида қонун билан мустаҳкамланган.

Шундан келиб чиқиб ҳамда Президентимизнинг 2020 йил 7 сентябрдаги "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ҳам "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи йиғилишида мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълум қилинди.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Атабек Аллаберганов лойиҳа концепцияси ҳақида ахборот берди. Унинг қайд этишича, кўзланган мақсад кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги муносабатларни қонун даражасида тартибга солиш ва бу билан мулкдорларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатлаш ва ҳимоя қилишдан иборат. Таклиф этилаётган лойиҳада кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасига оид асосий тушунчалар, ваколатли органлар, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ва маълумотларни тақдим этиш тартиби, ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ва хусусиятлар, рўйхатдан ўтказувчилар мақоми, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишни ташкиллаштириш, низоларни судгача ҳал этиш, жавобгарлик мезонлари ёритилган. Қонун лойиҳаси 11 та боб, 78 та моддани ўз ичига олган. Лойиҳадаги нормалар ер участкалари, бинолар, иншоотлар, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган объектлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ҳамда мулкий комплекс сифатида бутун корхоналарга нисбатан татбиқ этилиши кўрсатилмоқда.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг асосий принциплари сирасига мажбурийлик, қонунийлик, муқаддам давлат рўйхатидан ўтказилган ҳуқуқларнинг устуворлиги, ошкоралик ва ишончлилик, таққослаш ҳамда мослик кабилар киритилмоқда. Ер участкалари ҳисобини юритиш, унга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали кафолатлаш мақсадида давлат рўйхатидан ўтказишнинг кетма-кетлиги белгиланмоқда. Лойиҳада Вазирлар Маҳкамаси, Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатасининг ваколатлари ёритилмоқда. Жумладан, Давлат кадастрлари палатаси рўйхатдан ўтказувчи орган сифатида акс эттирилмоқда.

Маърузачининг қайд этишича, бугунги кунда давлат хизматлари марказлари, нотариуслар, банклар, риэлторлик ташкилотлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан маълумот ва ҳужжатлар электрон шаклда юборилиб, ушбу маълумот ва ҳужжатлар асосида ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилмоқда. Бу жараён қонун лойиҳасида авторизацияланган воситачилар сифатида келтирилиб, уларнинг ҳуқуқлари ўз ифодасини топмоқда. Ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш жуда муҳим ва масъулиятли жараён ҳисобланади. Шу сабабли лойиҳада рўйхатдан ўтказувчилар, уларнинг ваколатлари, қарор қабул қилишда мустақиллиги, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича нормалар белгиланмоқда.

Лойиҳада таклиф этилаётган нормаларга кўра, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳаракатларини амалга ошириш тартиби тўртта қадамдан иборат. Улар давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ариза ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳаракатларини амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳаракатларини бажариш, давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқлашдир. Рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг аниқ рўйхати лойиҳанинг алоҳида моддасида келтирилмоқда. Лойиҳада туман (шаҳар) чегараси ўзгариши муносабати билан реестрга ўзгартириш киритиш масаласи ёритилиб, бунда ариза олмасдан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўлов ундирмасдан амалга ошириш белгиланмоқда. Бозор тамойилларига асосланган иқтисодиётда кўчмас мулк бозори ҳам фаол бўлиши зарур. Бу эса кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказишнинг содда механизмларини талаб этади. Мисол учун мулкдор ўзига тегишли ер участкасининг бир қисмини сотмоқчи ёки ҳадя қилмоқчи бўлса унинг мурожаати асосида ушбу ер участкасини бир неча қисмга бўлиш имконияти яратилиши керак. Шу сабабли лойиҳада кўчмас мулкни бўлиш, бир қисмини ажратиш ва қўшиб юбориш тушунчалари кўзда тутилмоқда. Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш, навбатдаги ипотека, гаров хати масалалари лойиҳанинг алоҳида бобида акс эттирилмоқда. Бунда барча нормалар "Гаров тўғрисида"ги ва "Ипотека тўғрисида"ги қонунлар билан мувофиқлаштирилмоқда.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳолда уни концептуал жиҳатдан қабул қилишди.

Ойдин ЛАТИПОВА.

ЭЪЛОНЛАР

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 29.03.2022 йилдаги 4-1101-2201/286-ҳал қилув қарорига асосан "Modern Asia Technology" МЧЖ (СТИР 302843413), 4-1101-2201/287-ҳал қилув қарорига асосан "Mustang building service" МЧЖ (СТИР 303927322), 4-1101-2201/288-ҳал қилув қарорига асосан "Mo'yna sanoati" МЧЖ (СТИР 302722144)лар соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Хушмирзаев Акрамжон Бахромжонович тайинланди.

Шу муносабат билан корхоналар кредиторларининг биринчи йиғилиши 2022 йил 5 май куни 10.00 да Тошкент вилояти Зангиота тумани ДСИ маъмурий биносида бўлиб ўтади. **Манзил:** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар, Н.Ходжибоев кўчаси, 16-уй.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Зангиота туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги 224-рақамли Қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Қарздорга нисбатан ҳақдор ёки қарздор корхона, ташкилот ва бошқа субъектларнинг вакиллари ваколатнома асосида солиштирма далолатнома билан йиғилишда қатнашишлари шарт. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мабойнида қабул қилинади. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган жамиятларнинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомининг асл нусхалари, юмалоқ муҳр ва бурчак тамга эълон чиққан кундан 10 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-квартал, 2-а уй.

Маълумот учун 91-600-24-46 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Решениями Нукусского межрайонного экономического суда Республики Каракалпакстан от 24 марта 2022 года нижеуказанные должники признаны банкротами, и в их отношении введены упрощенные формы процедур ликвидации, ликвидационным управляющим назначен Аметов Н.Н.

Очередные собрания кредиторов назначены на 29 апреля и 20 мая 2022года.

№	Наименование	Адрес	Номер дела	ИНН
1	ИП ООО «Muynak gas chemikal compleks»	Нукус, ул.Досназарова б/н	4-2301-2203/301	305730734
2	«Aydana Ayzada Nukus» ООО	Нукус, ул.Зайыр, 1.	4-2301-2204/300	304560148

Зомин туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 29 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан Зарбдор туманидаги қуйидаги юридик шахслар "Non rizqi" ОК (305879982) 4-1303-2201/174, "Xayrabod Omad Trans" МЧЖ (304937389) (4-1303-2201/175, "Zarbdor obod" ФХ (300593814) 4-1303-2201/176, "Hosilbek dalasi" ФХ (302466486) 4-1303-2201/177, "Ilxom-Anvar" ФХ (301767294) 4-1303-2201/178, "Rustam-X" ФХ (202769318) 4-1303-2201/179, "Navro'z-Zuxriddin" ФХ (301335619) 4-1302-2201/180, "Eshboy ota" ФХ (202814467) 4-1302-2201/181 ва "Sapar-Sarvar" ФХ (300792692) 4-1303-2201/182 лар банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича банкрот деб эътироф этилиб тугатишга доир иш очилган, тугатиш бошқарувчи этиб Каттабоев Шохрухбек Бахтиёрович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 12.05.2022 йилда соат 11.00 да Зарбдор тумани ДСИ биносида ўтказилади. **Мурожаат учун тел.:** 99-749-54-11. Ушбу юридик шахсларга тегишли бўлган думалоқ муҳри ва бурчакли штамплари бир ой ичида тугатиш (суд) бошқарувчига топширилмаган тақдирда бекор ҳисобланади.

Риштон туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 28 март кунги 4-1505-2101/206-рақамли ҳал қилув қарорига асосан Сўх туманидаги **"Asl savdo mini market" МЧЖ** (СТИР 300495326) банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Турсунов Бахтиёр Аминович тайинланди.

Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2022 йил 27 апрель куни Фарғона шаҳри, А.Яссавий кўчаси, 56-уйда соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Кредиторларнинг қарздорга бўлган талаби эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун ичида тугатиш бошқаруви томонидан қабул қилинади. Аудиторлик ва баҳоловчи юридик шахслар тижорат таклифи билан мурожаат этишлари сўралади.

Мурожаат учун: инд: 150105, Фарғона шаҳри, А.Яссавий кўчаси, 56-уй. тел.: 90-628-02-51.

Кредиторлар диққатига!

Наманган туманлараро иқтисодий судининг 11.03.2022 йилдаги 4-1601-2203/386-390-рақамли ҳал қилув қарорларига асосан Наманган туманидаги қуйидаги юридик шахслар банкрот деб топилган ва тугатиш жараёни бошланган. Суднинг ҳал қилув қарорларига асосан 2-тоифали суд бошқарувчиси Ғ. Абдувалиев тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланган.

"Xojiakbar munis" МЧЖ (301526371), "Hamkor omad dizayn" МЧЖ (308208137), "Кобулов Абдурасул" ФХ (301405009), "Toshbuloq export invest" ХК (306159058), "Akfa premium lyuksi" МЧЖ (306082432).

Банкрот корхоналарга нисбатан барча даъволарни эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида тугатиш бошқарувчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Банкрот корхоналарни молия-хўжалик фаолиятини аудит кўригидан ўтказиш ҳамда қарздор корхона мол-мулкларини баҳолаш учун аудиторлик ташкилотлари ҳамда баҳоловчилар ўртасида тендер танлови эълон қилинади. Танловда қатнашувчилар тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан бир ой муддатда ўз таклифлари билан мурожаат қилишлари мумкин. Банкрот хўжаликларнинг муҳр ва тўртбурчак тамғалари хўжалик раҳбарлари ва таъсисчилари томонидан қонунда белгиланган 3 (уч) кунлик муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади ва бекор қилинади.

Тугатиш бошқарувчиси манзили: Наманган шаҳри, А. Навоий кўчаси, 72-уй.

Тел.: 93-401-51-56, 99-976-78-31, 0-369-233-08-37.

Ташаббусли бюджетлаштириш: миллий ва халқаро тажриба

Бошланиши 1-бетда.

лойиҳаларни амалга оширишдаги иштирокига тўхталиб ўтди. Ташаббусли бюджетлаштириш бўйича юритиладиган мониторингда лойиҳалар учун сарфланган ресурслар ва харажатлар, пировард натижада ҳал этилган муаммолар, кутилган самаралар, лойиҳаларни бажаришда ҳокимият саъй-ҳаракатларининг аҳоли томонидан баҳоланиши каби жиҳатларнинг аҳамиятини тушунтирди. Россия Федерациясининг "Ташаббусли бюджетлаштириш маслаҳатчилари альянси" жамоатчилик ташкилоти кенгаши аъзоси Евгений Дрогов бундай амалиётда фуқаролар билан ишлаш, уларни хабардор қилиш, ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳасида иштирок этиш ким учун фойдали ва нима учун фойдали эканлигини оммага етказиш, мақсадли гуруҳлар – лойиҳа ташаббускорлари вакилларини ўқитиш, фуқаролар лойиҳа ижроси бўйича жамоатчилик назоратида ҳам иштирок этиши муҳимлигига эътиборни қаратди.

Россиялик мутахассислар мамлакатимизда амалга оширилаётган ташаббусли бюджетлаштириш жараёни ҳақида ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишди. Берилган маълумотга кўра, улар республикамизнинг Фарғона, Наманган ва Бухоро вилоятларига ташриф буюриб, ташаббусли бюджет асосида бажарилаётган 20 тага яқин лойиҳа билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлишган. Уларнинг қайд этишича, энг муҳими бу борада ягона портал яратилган, ташаббусли бюджетлаштиришга нисбатан аҳолида ишонч, ўз муаммоларига ечим топишга нисбатан интилиш, масъулият бор. Шу билан бирга бу жараёнда бевосита иштирок этадиган маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлари ва ходимлари билимини, лойиҳаларни сифатли тайёрлаш бўйича кўникмасини ошириш, лойиҳалар учун ажратилган маблағлар ҳажмини кўпайтириш, жараёнда фуқаролар иштирокини ғоядан тортиб то "тасма кесиш"гача таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Анжуманда Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани ҳамда Сурхондарё вилоятида фуқаролар ташаббуслари асосида ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар хусусида (онлайн тарзда) маълумотлар тақдим этилди.

Замира ТОЖИЕВА.

BIZNES DAILY

Биржа

#25(2908) 05.04.2022

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 23 февралдаги 4-1103-2201/171-рақамли иш юзасидан қабул қилган ажрими билан Оққўрғон туманидаги **“ABC Oqqo’rg‘on agro klasster” МЧЖ** (СТИР 305213015)га банкротлик иши қўзғатилиб унга нисбатан **кузатув таомили қўлланилган ҳамда мазкур ажрим билан** қарздорда кузатув таомилида ишларини олиб бориш учун муваққат (суд) бошқарувчи этиб И.Уракбаев тайинланган.

Мазкур қарздорнинг биринчи кредиторлар йиғилиши 2022 йил 1 апрель куни соат 11.00 да Оққўрғон тумани, Олимкент шаҳарчаси, Мустақиллик кўчасидаги қарздорнинг маъмурий биносида бўлиб ўтиши белгиланган.

Аммо, биринчи кредиторлар йиғилиши ўтказилишига етарли кворум бўлмаганлиги сабабли йиғилиш ўтказилмаган деб топилиб такрорий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қарздорнинг такрорий биринчи кредиторлар йиғилиши 2022 йил 11 апрель куни соат 11.00 да Оққўрғон тумани, Олимкент шаҳарчаси, Мустақиллик кўчасидаги қарздорнинг маъмурий биносида бўлиб ўтиши белгиланди.

Йиғилишга кредиторлар ва унинг вакилларига шахсни ҳамда қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек, йиғилиш иштирокчиси ваколатларини тасдиқловчи ишончномалар билан келиш сўралади.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 17.03.2022 йилдаги 4-1001-2101/49683-рақамли ажримига асосан Шайхонтоҳур туманидаги **“Art décor group” МЧЖ** (303271888)га нисбатан суд санацияси таомили жорий этилди ва санация қилувчи бошқарувчиси этиб, Турсунбоев Нодиржон Набижонович тайинланди.

Ушбу жамиятга нисбатан талаблар бўйича кредиторлар тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан эътиборан бир ой давомида 90-260-09-73 телефон рақами орқали мурожаат этишлари мумкин.

Банкрот жамиятларнинг 1-кредиторлар йиғилиши 04.05.2022 йил куни Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Заргарлик кўчаси, 36-уйда бўлиб ўтади.

Йиғилишга келган кредиторлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ишончнома ва солиштирма далолатнома билан қатнашишлари шарт.

Шовот туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 17 мартдаги ҳал қилув қарори билан Шовот туманидаги “Asal Go’zal” МЧЖ (СТИР 306012050), Урганч туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 17 мартдаги ҳал қилув қарори билан Урганч туманидаги “Gold chick trade” МЧЖ (СТИР 307227178), “Allo taksi” МЧЖ (СТИР 305735308), “Shox universal lider trade” МЧЖ (СТИР 306195781)лар банкрот деб топилганлиги муносабати билан тугатиш бошқарувчи этиб Шарипов Рашид Аллаёрович тайинланди. Корхоналарнинг думалоқ муҳри, тўртбурчак штампи бекор қилинади. Кредиторлар томонидан талаблар эълон чиққан кундан эътиборан 1 ой муддатда тугатиш бошқарувчи томонидан қабул қилинади.

Манзил: Урганч шаҳри, Самарқанд кўчаси, 90-уй.

Мурожаат учун тел.: 97-790-60-00.

Бухоро шаҳридаги қуйида номлари келтирилган хўжалик субъектлари Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 20.01.2022 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилиб, тугатишга доир иш бошланган. Суд бошқарувчиси этиб Ходжаев Убайдулло Хайдарович тайинланган.

Т/р	Хўжалик субъекти номи	СТИР	Иқтисодий суд қарори рақами
1	“C and M story brend” МЧЖ	305752857	4-2001-2204/5
2	“Umurov Xurshid Xalilovich” МЧЖ	302413820	4-2001-2204/6
3	“Firdavs Jorabek” МЧЖ	306191391	4-2001-2204/7
4	“Pandora sale standart” МЧЖ	303947764	4-2001-2204/8

Шу муносабат билан юқорида номлари кўрсатилган банкрот хўжалик субъектларининг кредиторлар йиғилиши 2022 йил 5 май кунининг соат 10.00 да Бухоро шаҳар ДСИ биносида бўлиб ўтади. **Манзил:** Уй қурувчилар кўчаси, 2-уй.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Хўжалик субъектларининг суд тугатиш бошқарувчиси ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Кредиторлар йиғилишига ўз ишончли вакилингизни ишонч хати ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда кредиторлик қарз тўғрисида солиштирма далолатнома билан келиб йиғилишда қатнашиши сўралади.

Мазкур банкрот хўжалик субъектларига тегишли муҳр ва штампини эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида суд бошқарувчисига топширмаган тақдирда, йуқолган деб топилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида суд бошқарувчисига мурожаат қилишлари мумкин.

Суд бошқарувчиси манзили: Бухоро шаҳри, Адолат кўчаси, 83. **Тел.:** 90-718-21-11.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 16.03.2022 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан, қуйидаги:

Т/р	МЧЖлар номи	СТИР	Иш рақами	Йиғилиш санаси ва соати
1	“Dunyo savdo ddk” МЧЖ	307 393 772	4-1101/2201/199	04.05.2022 й. 10.00
2	“Best lider market” МЧЖ	307 583 924	4-1101-2201/196	04.05.2022 й. 10.20
3	“Max Invest” МЧЖ	301 611 758	4-1101-2201/197	04.05.2022 й. 10.40
4	“Ko`ksaroy muhandis progress” МЧЖ	308 018 950	4-1101-2201/198	04.05.2022 й. 11.00

жамиятлар банкрот деб топилди ва тугатиш бошқарувчиси этиб Усманов Босит Мансурович тайинланди.

Жамиятларнинг барча муҳрлари 10 кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаса, бекор қилинган деб топилади. Ушбу жамиятга нисбатан талаблар бўйича кредиторлар тугатиш бошқарувчисига эълон чиққан кундан эътиборан бир ой давомида 90-260-09-73 телефон рақами орқали мурожаат этишлари мумкин.

Банкрот жамиятларнинг 1-кредиторлар йиғилиши 28/01/2022 йилда М.Улуғбек тумани, БИЙ кўчаси, 105-а уй,12-хонада бўлиб ўтади.

Йиғилишга келган кредиторлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ишончнома ва солиштирма далолатнома билан қатнашишлари шарт.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Тугатиш бошқарувчиси томонидан тузилган харажатлар сметасини тасдиқлаш.
3. Банкрот жамиятнинг тугатиш режасини тасдиқлаш.
4. Банкрот корхона кредиторларининг талаблар реестрини тасдиқлаш.
5. Бошқа масалалар.

Жиззах вилояти Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг 30.03.2022 йилдаги ҳал қилув қарорлари билан қуйидаги юридик шахслар соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш очилган:

“Аль-Қобул” ФХ (СТИР 203926058), “Нодирабону” ФХ (СТИР 203968385), “Сохибқирон” ФХ (СТИР 203602944), “Улуғ Бек Ризаев” ФХ (СТИР 204787760), “Шерзодбек-Асилбек” ФХ (СТИР 303140092), “Элдорбек Саидбек” ФХ (СТИР 302498043), “Ёш тадбиркорлар томорқа хизмати” МЧЖ (СТИР 308399938), “Дўстлик-Строй” МЧЖ (СТИР 307116387), “Бунёдкор-Нонлари” оилавий корхонаси (СТИР 307573944), “Арслонхон групп” МЧЖ (СТИР 306154555). Тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб Худойбердиев Исломбек тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан эътиборан 1 (бир) ой муддат ичида қабул қилинади. Банкрот корхоналарнинг думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамғалари эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддат ичида суд бошқарувчисига топширилмаган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади ҳамда бекор қилинади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 12.05.2022 йил соат 10.00 да Дўстлик тумани ДСИ биносида ўтказилади.

Суд бошқарувчисининг манзили: Жиззах вилояти, Зомин тумани, Тараққиёт МФЙ, Қурувчилар кўчаси, 1-уй. **Телефон:** 99-550-90-18.

“Farg‘ona yog‘-moy” АЖ

молия, маркетинг ва тижорат ишлари бўйича директор лавозимига номзодларни саралаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида

“Farg‘ona yog‘-moy” АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, жамият Устави ҳамда “Farg‘ona yog‘-moy” АЖ ижроия органи раҳбар ва раҳбар ўринбосарлари лавозимига номзодлар танловини ташкиллаштириш ва ўтказиш Регламенти”га асосан жамият ижроия органи таркибига малакали мутахассисларни, жумладан, хорижий менежерларни жалб қилиш мақсадида **жамият молия, маркетинг ва тижорат ишлари бўйича директор лавозимига** номзодларни саралаш бўйича танлов эълон қилади.

Лавозим таснифи:

1. Компаниянинг жорий фаолиятини бошқариш;
2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил қилиш;
3. Максимал фойда олиш ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мақсадида жамиятнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш.

Малака талаблари:

– олий маълумотга эга бўлиши;
– ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги билимга эга бўлиши;
– иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг соҳасидаги билимга эга бўлиши;
– корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш қобилиятини мавжудлиги;
– Ёғ-мой саноати соҳасида раҳбар лавозимларида камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;
– чет тилларини билиш (рағбатлантирилади)
– корхона фаолиятини янада яхшилашга доир ўз бизнес режасига эга бўлиши.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги хужжатиларни тақдим қилиш зарур:

– ушбу лавозимга номзодини илгари суриши бўйича ўз қўли билан ёзилган ариза;
– автобиография (батафсил кўрсатилсин);
– касбий маълумотни, иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, сертификатлар;
– меҳнат дафтарчаси нусхаси;
– алоқа учун маълумотлар;

Танлов ҳужжатларини топширишнинг охирги муддати – эълон берилган санадан 20 кун (ҳисобланади).

Танлов ўтказиш муддати – танлов таклифлари ва хужжатлари олингандан кейин 5 иш куни давомида ўтказилади.

Танлов таклифлари ва ҳужжатлар муҳрланган конвертларда ва конвертнинг устки қисмида танловда иштирок этувчи номзоднинг танловда иштирок этиш учун аризаси илова қилинган ҳолда тақдим қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 150117, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Меъмор кўчаси, 9-уй.

Маълумотлар учун тел.: 73-241-69-68, 0-373-241-69-65.

Веб-сайт: www.fyom.uz

E-mail: info@fyom.uz , fyom@inbox.ru

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2019 йилдаги 356-сонли қарорига биноан “Farg‘ona yog‘-moy” АЖ молия, маркетинг ва тижорат ишлари бўйича директор лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритилади.

Белгиланган муддатлардан кейин юборилган таклифлар танловда иштирок этмайди.

“Farg‘onaazot” АЖ

акциядорлари диққатига!

“Farg‘onaazot” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида

ЭЪЛОН

“Farg‘onaazot” АЖ Кузатув кенгаши мажлисининг 2022 йил 30 мартдаги қарорига асосан жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 21 апрель куни соат 17.00 да, Фарғона шаҳри, Саноат кўчаси, 222-уй манзилда жойлашган “Farg‘onaazot” АЖнинг мажлислар залида ўтказилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2022 йил 15 апрель ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2022 йил 21 апрель куни соат 16.00 да бошланиб, соат 17.00 гача давом этади.

Жамиятнинг электрон почтаси ва веб-сайти манзили: *info@azot.uz, www.azot.uz*

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият бошқарувининг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари, бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш.
4. Жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг корхонада ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш чора-тадбирларинатижадорлигиюзасидан 2021 йил якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш.
5. Жамият бошқарув раисининг тижорат ва логистика бўйича ўринбосарининг корхонада харидлар билан боғлиқ амалга оширилган битимлар юзасидан 2021 йил якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш.
6. Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил фаолияти якуни бўйича ҳисоботини тинглаш.
7. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари ва жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги тафтиш комиссиясининг хулосасини тинглаш.
8. Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосасини кўриб чиқиш.
9. Жамиятда 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
11. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини белгилаш.
12. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш.
15. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.
16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини, Уставини ҳамда “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (маълумот)лар билан “Farg‘onaazot” АЖнинг 0-373-242-64-00 телефон рақамига мурожаат қилиш орқали танишишингиз мумкин.

Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан, акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома билан қатнашишларини сўраймиз.

“Farg‘onaazot” АЖ Кузатув кенгаши.

Вниманию акционеров

АО «Foton»!

Внеочередное общее собрание акционеров состоится **26 апреля 2022** года в конференц-зале АО «Foton» по адресу: г. Ташкент, пр. Амира Темура, 13.

Время начала собрания: **16.00**

Регистрация участников производится **26 апреля 2022 г. с 15.00** в помещении конференц-зала.

Право на участие во внеочередном общем собрании акционеров АО «Foton» имеют акционеры, зафиксированные в реестре акционеров общества по состоянию на **4 апреля 2022 года.**

Дата составления реестра акционеров общества для проведения общего собрания акционеров – **20 апреля 2022 г.**

Контактные телефоны: 233-42-30, 233-18-39, адрес электронной почты АО «Foton»:

foton@oaofoton.uz, plan@oaofoton.uz

Повестка дня:

1. Утверждение количественного и персонального состава счетной комиссии внеочередного общего собрания акционеров.
2. Утверждение регламента проведения внеочередного общего собрания акционеров.
3. Об уменьшении уставного фонда АО «FOTON».
4. Утверждение устава АО «FOTON» в новой редакции.
5. Внесение изменений в ранее зарегистрированные выпуски ценных бумаг.

С материалами внеочередного общего собрания акционеров можно ознакомиться по адресу:

г. Ташкент, Мирабадский район, проспект А. Темура, 13.

Наблюдательный совет.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 18 март кунги ҳал қилув қарорларига мувофиқ Тошкент шаҳрида жойлашган "Future Logistic" МЧЖ (4-1001-2207/5586), "Evro-Mega Stroy" МЧЖ (4-1001-2207/5584), "Maxmud Dizayn Qurilish" МЧЖ (4-1001-2207/5576) банкрот деб эътироф этилди ва тугатиш ишларини амалга ошириш учун 2-тоифали суд бошқарувчи Аброр Абдужамалович Турғунов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди. **Тел.:** (33/91-494-07-00).

Юқоридаги МЧЖ кредиторларининг биринчи йиғилиши 2022 йил 4 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар ДСИ ва соат 14.00 да Олмазор тумани ДСИ биносида ўтказилади.

Кун тартибидаги масалалар:

1. Тошкент туманлараро иктисодий судининг хал қилув қарори.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тузиш ва тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги 224-рақамли Қарори ижросини таъминлаш бўйича тугатиш бошқарувчисининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Талаблар 1 ой давомида қабул қилинади. Кредиторлардан йиғилишда қатнашишлик учун ташкилот номидан ваколатли вакил (қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат – солиштирма далолатнома ҳамда ваколатнома билан) қатнашишлари сўралади.

Банкрот жамиятларнинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомнинг асл нусхалари, думалоқ муҳр, бурчак тамға 10 кун ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаса, бекор қилинган деб ҳисобланади.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 06.01.2022 йилдаги 4-1001-2107/41979-рақамли ажримига асосан "Global Adori Logistic" МЧЖ (СТИР 306436339)га ва 06.01.2022 йилдаги 4-1001-2107/41978-рақамли ажримига асосан "Bog'ishamol baraka savdo" МЧЖ (СТИР 303024687)ларга янги тугатиш бошқарувчиси этиб С.Шарипов тайинланди. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мавзеси, 12-а уй биноси манзилида бўлиб ўтади. Йиғилишда ишончнома билан қатнашиш шарт.

Маълумот учун телефон: 97-705-57-45, 90-996-23-81.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 18.03.2022 йилдаги 4-1001-2207/5578-рақамли ҳал қилув қарорига асосан **"Gold-grape garden" МЧЖ**, 4-1001-2207/5581-рақамли ҳал қилув қарорига асосан **"Suntechno" МЧЖ**, 4-1001-2207/5579-рақамли ҳал қилув қарорига асосан **"Katlavan Plus" МЧЖ** банкротлиги эътироф этилган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 18.03.2022 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатиш бошқарувчиси этиб Мадрахимов Абброржон Алимжанович тайинланган.

